
Бугун ҳаракат қилган одамда муаммо бўлмайди: Фурқатликлар, вилоят ҳокими билан мулоқотда ўзларининг бўлаётган ўзгаришларга муносабатларини шундай ифодалашди


Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, Фурқат туманининг маҳаллаларида бўлиб, аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг турмуш даражасини ошириш, ҳудудларни ободонлаштириш бўйича қилинаётган ишлар, “маҳаллабай” тизими бўйича эришилган натижалар, ҳоким ёрдамчиларининг ўз маҳаллаларида бошлаган ташаббуслари билан танишди.





Хусусан, Навбахор МФЙда ҳоким ёрдамчиси билан бирга маҳалла ҳудудидаги хонадонларда ташкил этилган иссиқхоналар, йўлга қўйилган кўчатчилик, паррандачилик ва чорвачилик фаолияти кўздан кечирилган бўлса, оғир ҳудудга кирувчи маҳаллалар рўйхатига киритилган Янги МФЙда шағаллаштириш, ичимлик суви тармоғи тортиш, электр таянч устунлари ўрнатиш жараёнлари кўздан кечирилди. Эътиборли жиҳати, ушбу ишлар маҳаллий бюджет маблағлари билан бирга, тармоқ корхоналари ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилмоқда.





“Бугун ҳаракат қилган одамда муаммо бўлмайди”: Вилоят ҳокими билан мулоқотда фурқатликлар тилидан янграган ушбу фикр, Давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати ^{4/5} натijasида Инсон қадри улуғланаётган ҳозирда давр учун шукроналикнинг ифодаси бўлди.



2022-01-28 21:46:11